ХАБАР

خبر

Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган ● 1996 йил, 6 декабрь № 48 (225) ● Сотувда нархи эркин

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Тошкент шаҳрида шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқа хизмати кўрсатувчи «BIZTON « Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси имкониятларини янада кенгайтириб, қўшимча равишда рақамли алоқа тармоғини ишга туширди.

«BIZTON» қўшма корхонасининг ушбу янги рақамли алоқа тармоғи абонентларга юқори сифатли хизмат кўрсатиш ва техника янгиликларини амалда қўллаш имкониятини беради. Одатда қўлланилиб келинган мис симли кабеллар ўрнида шиша толали кабеллар ётқизилиб, Европа ва дунё сифат даражасига жавоб бера оладиган қурилмалар ўрнатилди.

Яқинда янги тармоқни очишга бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазири А. Жўрабоев сўзга чиқди. Вазир янги алоқа тармоғининг ишга туширилиши Ўзбекистон ва Британия давлатлари ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлаш йўлидаги бир қадамдир деб айтди. Шунингдек, маросимда Женерал Электрикс компаниясининг раиси, жаноб Лорд Праер ва «BIZTON» қўшма корхонасининг бош директори жаноб Жон Бруерлар иштирок этиб, сўзга чиқдилар.

Ҳамидулла ХОЛМУҲАМЕДОВ,
жамоатчи мухбиримиз

МАРКЕТИНГ ХИЗМАТИ ЯХШИЛАНАДИ

Бозор иқтисодиёти шароитларида ҳар бир корхона бозорни, унинг муаммо ва истиқболларини ўрганиши, ўз имкониятлари ва бозор талабларидан келиб чиқиб маҳсулот ҳамда хизмат турларини режалаштириши лозим. Булар маркетинг хизмати шартларининг бир қисми ҳисобланади.

Яқинда Тошкентдаги Марказий Осиё телекоммуникация ўқув марказида «Ўзбектелеком» концерни корхоналари маркетинг хизматчиларининг биринчи анжумани бўлиб ўтди.

Анжуман ташкилотчилари — концернинг маркетинг гуруҳи ва Марказий Осиё телекоммуникация ўқув маркази маъмурияти ёш маркетинг хизматчиларига (маркетинг хизмати шу йил ташкил қилинган) ўз дастурларини ишлаб чиқишларида ёрдам беришни асосий мақсад қилиб қўйдилар. Иштирокчилар маркетинг хизмати фаолиятининг йўналишларини ишлаб чиқиш, истеъмолчилар талабини ўрганиш, реклама бериш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш каби масалалар бўйича маслаҳат олдилар.

Шунингдек, анжуманда ўтказилган давра суҳбатида маркетинг хизмати раҳбарлари ўз корхоналарида амалга оширилган тадбирлар ва бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида фикр юритдилар.

Одилжон АБДУСАЛОМОВ

СИРДАРЁДА IV-ДАСТУР ҚАЙТА ИШ БОШЛАДИ

Республика радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Гулистон радио-телевидение станциясининг қувватли «Илмень» телеузатгичи 1995 йилда клистрон КУ-318 ускунаси йўқлиги ҳамда Россиядаги Титан заводида бу ускунани ишлаб чиқариш тўхтатилганлиги сабабли фаолият кўрсатмаётган эди.

Жорий йилнинг май ойидан бошлаб бирлашмамизда Англиянинг ЕЕУ фирмаси мутахассислари билан «Илмень» телеузатгичида ЕЕУ клистронини қўллаб ишга тушириш борасида иш олиб борилди. Яқинда мутахассисларимиздан Р. Турсунов, И. Мирсодиқов, F. Нишонбоев, С. Приевлар англиялик мутахассислар билан ҳамкорликда ишлаб, «Илмень» телеузатгичини ишга туширдилар. Ҳозирда иш сифати кўрсатгичлари жуда яхши. Ускунанинг ишлатилиш муддати эса уч йилгача ЕЕУ фирмаси томонидан кафолатланган.

Бирлашмамиз ходимлари яна бир бор Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг техник-назорат бўлими мутахассислари билан биргаликда Сирдарё вилоятини телевидение ва радиоэшиттириш билан сифатли таъминлашини текшириб кўришди. Текшириш кутилган натижани берди.

Шундай қилиб, Сирдарё вилоятининг аҳолиси тўлалигича ва қўшни Қозоғистоннинг бир нечта тумани аҳолиси Ўзбекистон телевидениесининг I дастури билан бир қаторда тўртинчи-Халқаро дастурини ҳам томоша қилиш имкониятига эга бўлдилар.

Ғайрат ҚЎШОҚОВ,
Республика радиоэшиттириш ва телевидение ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси

● Матбуотда «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг Қарори эълон қилинди.

● Республика Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганининг тўрт йиллигига бағишланган «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчиликни ривожлантириш» мавзуида давра суҳбати бўлди.

● Тошкентда Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармасининг таъсис қурултойи бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Республикада хизмат кўрсатган санъат арбоби Иброҳим Раҳим 80 ёшга кирди.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

● Янгиликлар ● Воқеалар ● Хабарлар

● 1997 йил 1 июлидан «Ҳамдўстлик давлатлари ҳудудида ягона йўловчилар божхона декларацияси жорий этиладиган бўлди. Бу ҳақда Москвада Ҳамдўстлик мамлакатлари божхона хизмати раҳбарлари иштирокида бўлиб ўтган мажлисда қарор қабул қилинди.

● Президент Нурсултон Назарбоев 1998 янги йилини Қозоғистоннинг янги пойтахти Оқмолада кутиб олиш ниятида эканлигини тўғрисида баёнот берди. Шу йилнинг 11 декабридаёқ республика қишлоқ хўжалиги, транспорт вазирликлари девони Олмаотадан Оқмолага тўла кўчиб ўтиши керак.

● Молдовада бўлиб ўтган президент сайловларининг иккинчи тури натижасига кўра мамлакат парламенти раҳбари Пётр Лучинский Президент этиб сайланди.

● Россия Бош вазири Виктор Черномирдиннинг Францияга ташрифи давомидаги аҳдлашувларга мувофиқ Москвадаги АЗЛК автомобиль заводида «Рено» компаниясининг «Меган» енгил автомобиллари йиғиладиган бўлди. 1997 йилдаёқ бу ерда ҳар бири тахминан 13-15 минг доллар турадиган 5 мингта «Меган» русумидаги енгил автомобилларни йиғиш кўзда тутилмоқда.

● Жазоирда бўлиб ўтган референдумда иштирок этганларнинг 86 фоизи мамлакат янги Конституциясини маъқуллади. Бу Асосий Қонунга мувофиқ мамлакат президентининг ваколатлари янада кенгайтирилди ҳамда диний асосда сиёсий партиялар тузиш ман этиб қўйилди.

● 2000 йилга бориб Чехия армияси Марказий Европадаги энг оз сонли армияга айланади. Яқин уч йил ичида 15 минг нафар ҳарбий хизматчи истеъфога жўнатилиб, армияда бор-йўғи 50 минг солдат ва зобит қолиши мўлжалланмоқда.

● Шу сонга шошилинчнома

МУШТАРИЙЛАРИМИЗ КЎПАЙМОҚДА

«Денов почта алоқа боғламасининг 139 нафар ишчи-хизматчилари севимли газетамиз «Хабар»га юз фоиз обуна бўлишди.

Денов почта алоқа боғламасининг ходимлар билан ишлаш бўлими бошлиғи Матлуба МЕЛИБОЕВА»

• • •

«Ҳурматли «Хабар» муҳарририяти ходимлари! Қумқўрғон почта алоқа боғламасининг алоқачилари 1997 йил учун «Хабар» газетасига обуна режасини 117,2 фоизга бажардилар.

Сизларга ижодий муваффақиятлар тилаб туман почта алоқа боғламаси бошлиғи Жўра ҒАНИЕВ»

• • •

«Бағдод туман почта алоқачилари 1997 йил учун белгиланган 12506 та нусхадаги газета-журналларга юз фоиз обунани уюштиришга эришдилар. Шу жумладан «Хабар» газетасига корхонамизнинг 82 нафар ходимлари обуна бўлишди. Туманимизда обуна ишлари қизғин давом этмоқда.

Бағдод почта алоқа боғламаси бошлиғи Расулжон ҚАМБАРОВ»

• • •

«Яйпан тумани почта алоқа боғламаси ходимлари 1997 йил учун «Хабар» газетасига 90 нусхада обуна бўлдилар.

Фарғона вилояти почта алоқа корхонаси бошлиғининг ўринбосари Яҳёжон МАДМАРОВ»

● Обуна—97

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз муштарийлар, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!

ОБУНА БАҲОСИ:
ЯККА ТАРТИБДАГИ ОБУНАЧИЛАР УЧУН:
1 ойга 28 сўм,
6 ойга 168 сўм,
12 ойга 336 сўм.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР УЧУН:
1 ойга 39 сўм,
6 ойга 234 сўм,
12 ойга 468 сўм.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 64600

ЭСЛАТМА: Республика вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг почта алоқа корхоналари обуна нашрларини етказиб бериш хизмат ҳақларини ўзлари мустақил белгилашади.

07 ХИЗМАТИДА ЯРИМ АСР

Ҳар кимга ҳам бир соҳада, бир жойда, бир касбда ярим асрдан зиёд меҳнат қилиш насиб этавермайди. Бунинг учун инсонда ўз касбига меҳр, сабр-қаноат, ирода каби хислатлар мужассам бўлиши керак. Ана шундай иродали инсонлардан бири — биринчи ўзбек телефон-алоқачиси, Меҳнат Қаҳрамони, меҳнат фахрийси Фотимахон ая ЮСУПОВАдир.



Фотимахон ая билан бемалол суҳбатлашиш мақсадида уларнинг хонадонларига ташриф буюрдим. Суҳбат чоғида ая меҳнат фаолиятига оид тарихий фотосуратлар, бир дастa мақтов ёрлиқлари, газета ва журналларни кўрсатиб, бирма-бир изоҳ бердилар. Аянинг сермазмун ҳаёт йўлига ҳавасим келди.

1938 йил... Еттинчи синфни битириш арафасида тўрган Фотиманинг дадаси қўқисдан вафот этди. Дадаси, қизини институтда ўқитишни орзу қилган эди. Энди Фотима ўқий олмайди, у ишлаб рўзғорга ёрдамлашиши керак, онасига суянчиқ бўлиши лозим. Амакиси телефон-алоқачилик касби тўғрисида гапирганда аввалига бу касбнинг моҳиятини тушуниб етмади. Амакиси уни Фарғона шаҳар телефон станциясига етаклаб келганда уларни станция бошлиғи Н. Ушаков кутиб олди. Шу куниёқ барча суҳбат-синовлардан муваффақиятли ўтган Фотима ўқувчи-телефончиликка қабул қилинди. Унга Мария Павловна Попова устозлик қилиб, телефон алоқаси сир-асрорларини меҳр билан ўргата бошлади. Даставвал Фотима нотаниш ускуналарни кўриб, бу касбда ишлаб кетишига кўзи етмади. Олтита коммутатор қаршисида қулоқларига наушник тақиб олган телефончиларнинг тез-тез ҳаракатлари ва трубкага тез-тез жавоб беришларига ҳайратланиб боқар эди. Лекин Фотима қисқа муддат ичида ўзининг тиришқоқлиги, уддабуронлиги билан 1-тоифали телефончи ихтисосига эга бўлди. Коммутатор ҳам, улаш каналлари ҳам, ҳамма-ҳаммаси унинг учун оддий нарсаларга айланиб қолди. Уша йиллари Мария Павловна ҳар уч дақиқада битта мижозга жавоб берса, шогирд эса ҳар икки дақиқада мижозга жавоб беришга улгурар эди. Ҳуллас, тезкорлиги, меҳнатсеварлиги билан устоздан ўзиб кетди. Унга бу ҳаракати учун тез кунда иккита коммутаторни бошқаришни ишониб топширишди. Бу ишончни у бутун меҳнат фаолияти давомида муваффақият билан оқлади.

Уруш йиллари ҳамма қатори алоқа соҳаси ишчи-хизматчилари ҳам қўлига қурол олиб, Ватан ҳимоясига жўнаб кетдилар. Фронт ортида қолган алоқачиларнинг иш ҳажми янада кўпайиб, кечаю кундуз меъёрдан ортиқ ишлашга тўғри келди. Ёшгина Фотимахон ҳам катта ёшдаги телефончилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилди. Ўз ишига меҳр қўйиб, сидқидилдан меҳнат қилган Фотима 15 ёшида ўша йиллари энг илғор ишчиларга бериладиган «Стахановчи телефончи» деган номга сазовор бўлиб, Краснодар ўлкаси, Геленжик шаҳрининг алоқачилар дам олиш уйига йўлланма билан тақдирланди.

Ўша даврда шаҳар телефон станцияси сиғими 600 рақамни ташкил қилар эди. 1961 йили станция сиғими икки баробарга ошди. Шунда ҳам ўз касбининг моҳир устаси бўлган Фотима Юсупова мижозлар сони кўпайишига қарамай, 2 та коммутаторда ҳамма чақиришларга жавоб беришга бемалол улгурар эди. 1963 йили шаҳар телефон станцияси автоматик усулда хизмат кўрсатишга ўтгандан кейин у ўз ишини шаҳарлараро телефон станциясида давом эттирди. Фотима Юсупова шаҳарлараро телефон алоқасининг такомиллашган янги техникаларини чуқур ўрганди ва ўз тажрибасини ошира борди. Мижозлардан буюртмаларни меъёрдан 1,5 баробар ортиқ қабул қилар, режани 125-130 фоизга бажарар эди. Унинг бу соҳадаги тажрибаларини Самарқанд, Тошкент, Андижон, Бухоро вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси, Украинанинг Винница вилояти алоқачилари ўргандилар. 58 нафар қизга устозлик қилиб, телефончилик касбини ўргатди.

Йиллар ўтди. Касбини севган одам йилларнинг қандай ўтиб кетганини ҳам сезмай қоларкан. Фақат одамларга қилган ҳалол хизмати, келтирган нафи хотирада ўчмас из каби муҳрланар экан. Фотимахон ая Юсупова ҳам неча минглаб кишиларнинг раҳматига сазовор бўлди. Меҳнатда эришган ютуқлари эвазига жаҳоннинг турли мамлакатларига йўлланмалар билан тақдирланди. Жумладан, Япония, Дания, Португалия, Испания, Англия, Франция, Венгрия, Германия, Туркия, Финляндия каби давлатларга сафар қилди. Фотимахон ая Фарғона шаҳар меҳнаткашларининг депутатлар кенгашига бир неча бор депутат, вилоят ва шаҳар халқ судига халқ маслаҳатчиси этиб сайланган.

Ҳар қандай касб ҳам улуғланса, ардоқланса, у кишини ёркин уфқларга элтади. Фотимахон ая Юсупованинг меҳнатлари муносиб тақдирланди. Унга ўша даврда «Социалистик Меҳнат қаҳрамони» унвони берилди.

Мана, уч йилдирки, неваралари бағрида Фотимахон ая қарилик гаштини суриб, дам олмоқдалар. Мен аядан ушалмай қолган орзу ва тилакларингиз борми, деб сўраганимда «Менда армон нима қилсин, 55 йил халқ хизматида бўлиб, одамларнинг ўзгини яқин қилишда озми-кўпми ўз ҳиссамни қўшдим. Шу меҳнатларим эвазига давлат мени муносиб тақдирлади. Мен ҳаётимдан мамнунман. Ҳозирги ёшларга тилагим: ишингиз юришмаганда қизишманг, ҳаётда сабр-қаноатли, иродали ва бардошли, катталарга доимо ҳурматда бўлинг. Барча алоқачиларга заҳматли ишларида омадлар тилаб қоламан» деб жавоб бердилар...

Фарида УМАРОВА,
жамоатчи мухбир,
Фарғона вилояти

1997 йил обунаси бўйича мақлумот

Вилоятлар	Республика газеталари			Республика журналлари			МАК нашрлари		
	01.01.96	30.11.96	%	01.01.96	30.11.96	%	01.01.96	30.11.96	%
1. Қорақалпоғистон респ.	27028	20214	74,8	18934	9890	52,2	3628	1864	51,3
2. Андижон	32923	16678	50,6	17861	15399	86,2	1975	733	37,1
3. Бухоро	24451	10819	44,2	26308	17832	67,8	2551	1134	44,4
4. Жиззах	14451	11545	79,9	18122	16192	89,3	1336	567	42,4
5. Қашқадарё	37073	14718	39,7	22287	11234	50,6	2642	1226	46,4
6. Навоий	13148	7823	59,5	9673	7620	78,7	4614	2635	57,1
7. Наманган	28956	14434	49,8	41046	20618	50,2	2518	726	28,8
8. Самарқанд	44836	22601	50,4	54234	30042	55,4	5428	1259	23,2
9. Сурхондарё	19915	13348	67,0	20625	15341	74,4	1440	818	56,8
10. Сирдарё	18283	9708	53,1	9966	7169	71,9	2771	1198	43,2
11. Тошкент	50085	30479	60,8	14128	5144	36,4	10357	4028	38,7
12. Фарғона	43524	26056	59,8	45018	43510	96,6	5744	2717	47,3
13. Хоразм	26155	13773	52,6	23677	12381	52,3	2291	776	33,8
14. Тошкент шаҳри	78758	32117	40,7	28687	10541	36,7	27344	9097	33,2
	459580	244295	53,2	350534	222761	63,5	74625	28778	38,5

• Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

МОҲИРАНИНГ МОҲИР ҚЎЛЛАРИ

Моҳира опанинг Булунғур тумани электралоқа боғламасида иш бошлаганига ҳам 17 йил бўлибди. Ўз касбига меҳр қўйган опа қисқа муддат ичида устозлари кўмагида касб маҳоратини оширди.

Туман алоқа бўлимининг шаҳарлараро сўзлашув марказига иши тушмаган инсон бўлмаса керак. Моҳира опани қидириб туман алоқа боғламасига бордим. Опанинг ҳар бир мижозлардан олинган буюртмаларни усталик ва чаққонлик билан бажаришига гувоҳ бўлдим.

— Дастлаб ишга келган пайтларимдаги ҳаяжон ҳали мени тарк этгани йўқ, — дейди Моҳира опа Тўраева.— Биринчи бор шаҳарлараро боғлаш ўриндиғига ўтирганда бутунлай менга нотаниш бўлган штепсел, автомат, ключ, гарнитур каби сўзлар эндиликда доимий ҳамроҳимга айланган. Аввалига ишга кўникишим жуда қийин бўлди. Мижозларнинг асосий қисмига рус тилида жавоб қайтаришга тўғри келар эди. Бу соҳада ҳозиржавоб бўлмасангиз мижозлардан олинаётган буюртмалар сони кўпайиб кетиб, шошириб қўяди. Шаҳарлараро сўзлашув бўлимига қўнғироқ қилаётган кишилар фақат ўзларингизга ўйлашади. Баъзанки бир пайтнинг ўзида 4-5 нафар мижоза жавоб бериб, буюртма олишимиз ва белгиланган вақтда уларни бажаришимиз керак бўлади. Баъзан оддий сўровларга ҳам жавоб қайтаришга тўғри келади.

Моҳира опанинг боғламада иш бошлашига корхонада меҳнат қилаётган Роҳат опа Мустонова сабабчи бўлган экан. Ёш алоқачига фахрий алоқачи Роза Хайрутдинова яқиндан ёрдам берди.

Моҳира опа турмуш ўртоғи Ҳошим ака билан уч нафар фарзандни камолга етказишяпти.

Агар сиз Булунғур туман электралоқа боғламасининг «07» хизматига қўнғироқ қилсангиз исми жисмига мос телефончи опанинг қўнғироқдек овозини эшитасиз. Бу — ўз касбининг моҳир устаси Моҳира опа Тўраевадир.

Барот БАҲРИДДИН ўғли,
Самарқанд вилояти

МАҚСАДИМ ИШОНЧНИ ОҚЛАШ

Яқинда қишлоғимиздаги хонадонлардан бирига аскар йигит мактубини етказиб бердим. Улар бениҳоя хурсанд бўлишди. Билсам, бу оила кузги мавсумда хизматга чақирилган фарзандларидан биринчи мактуб олиши экан. Мактубни аскарнинг синглиси Бахтигул ота-онасига ўқиб берди. Оила қувончига биз ҳам шерик бўлдик. Икки оғиз илиқ сўз шу тарзда интиқ қалбларга ором бахш этди.

Мен ана шундай лаҳзаларда оддий касбим билан фахрланиб қўяман. Почта алоқа бўлимимиз «Кунчиқиш» жамоа хўжалиги қишлоқларига хизмат қилмоқда. Одамларга почта жўнатмалари ва газета-журналларни ўз вақтида етказиб беришга интилмоқдамиз. Шу билан бирга 840 нафар уруш ва меҳнат фахрийси ҳам хизматимиздан фойдаланишмоқда.

Почта алоқа хизмати соҳасида 20 йиллик иш тажрибам бор. Бундан беш-олти йил илгари хат-хабарлар ҳамда газета-журналлардан почта халтамиз тўлиб кетарди, уларни гоҳида эгаларига тарқатиб улгура олмас эдик. Аммо кейинги пайтда обуначиларнинг сони камайиб кетди. Ҳатто почта жўнатмалари ва матбуот нашрларини Термиздан келтириш ҳам муаммога айланиб қолган эди. Бойсунлик ҳамкасбларимиз билан тузилган шартнома мушкулимизни осон қилди. Эндиликда биз почта жўнатмаларини ҳар куни олиб турибмиз.

Туманимизда ўз касбини сидқидилдан ардоқлаб ишлаётган почта алоқа ходимлари оз эмас. Маматали Туропов «Янги ҳаёт» почта алоқа бўлимига раҳбарлик қилаётган бўлса, Қарши Худойқулов, Рўзихол Саидовалар хабарчилик бурчини астойдил оқлашмоқда. Қувончлиси шундаки, камтарин меҳнатимиз муносиб тақдирланмоқда.

Умуман олганда, биз ҳар доим эл хизматидамиз. Бу ишончни ҳамиша оқлаб яшаш бош мақсадимизга айланган.

Абдимўмин ПАРДАЕВ,
Қизириқ туманидаги «Яккатерак» почта алоқа бўлими бошлиғи

• Фахрийлар — фахримиз

БАРЧАГА ҚАДРЛИ ИНСОН



Андижон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонасининг фахрийларидан бири Жўрахон Мамажонов 60 ёшга тўлди.

Жўрахон ака айни қирчиллама 40 ёшида Андижон вилоят электралоқа ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи вазифасига тайинланди. Ўрганган билимлари, орттирган иш тажрибаларига таяниб вилоятда алоқа хизматини ривожлантириш, хизмат турларини кенгайтириш, алоқа сифатини яхшилашга доир барча ишларга раҳбарлик қилди.

Жўрахон ака бошқарма бошлиғи бўлиб ишлаган даврда (1976-85 й.) Андижон шаҳрида 10000 рақамли АТС, 2000 йўналишга мўлжалланган шаҳарлараро телефон, телеграф станциялари, Пойтуғ, Марҳамат, Хонобод шаҳарларида ва бир қатор туманларда қишлоқ АТСлари, Тошкент-Андижон кабель магистрали қуриб, ишга туширилди. Жўрахон ака иқтисодий ижтимоий режалардан ташқари малакали ходимлар тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берди.

Бугунги кунда раҳбар ва етакчи мутахассис вазифаларида ишлаётганлар сафида Жўрахон аканинг устозлик саъбоғини олганлар кўп. Жўрахон ака узоқ йиллик меҳнат фаолияти давомида бир неча маротаба фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган. Айни пайтда Жўрахон ака Мамажонов корхонада муҳандис вазифасида ишлаб келмоқда, ёш мутахассисларга зарур маслаҳат, йўл-йўриқлар беради.

Жўрахон ака меҳрибон оила бошлиғи сифатида фарзандлари ва набираларини юртимизга муносиб инсонлар қилиб тарбияламоқда.

Андижон давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси қадрли Жўрахон ака Мамажоновни таваллуд куни билан самимий қутлайди. Сиҳат-саломатлик ва оилавий ҳаётида бахт-саодат тилайди.

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Хурматли АДАЖОНИМИЗ!

Сизни туғилган кунингиз билан қутлаймиз. Аллоҳ умрингизни узун, ризқингизни бутун қилсин, олганингиз олтин, кўрганингиз тўй бўлсин, доимо бизга бош бўлинг деб

фарзандларингиз Адолат, Холида, Муроджон, Тошкент шаҳри



АЛОҚАЧИ ҲАМРОҲИ

«ПЕЙЖИНГ» ВОСИТАСИДАГИ АЛОҚА

1990 йилнинг бошларида ҳаракатдаги мижозлар учун радиоалоқа соҳасида янги тармоқ вужудга келди. Бу тармоқ ҳаракатдаги мижозлар радиоалоқасида сигналларни пакетлаб узатиш принципига асосланган бўлиб, уни мутахассислар пакетли радиоалоқа ёки пакетли радиотармоқ деб номлай бошлашди. Шу алоқа тармоғининг ривожланиши жараёнида «пейжинг» воситасида радиоалоқа ташкил қилинди.

Пейжингли алоқа тизими тегишли манзилга товуш хабарларини узатишни амалга ошириш мақсадида ихтиро қилинди. Бу усулда пакетли радиотармоқнинг марказий станцияси амалда умуман ўзгартирилмайди, лекин унинг мижозлари радиостанция ўрнига махсус қабул қилувчи қурилма билан таъминланди ва шу қурилма «пейжер» деб аталди.

«Пейжинг» воситасидаги алоқада шахсий хабарлар етказишни техник имконияти оддий: марказий станциянинг узатган ҳар бир хабари частоталари ҳар хил бўлган иккита символдан иборат, яъни кенгликлари маълум иккита паст частотали символ частота бўйича модуляция қилиниб узатилган сигналдир. Шу символларни частоталар комбинациясига асосан, хабарларни фақат манзили берилган тизимнинг битта пейжери қабул қилади. Шу қоида бўйича ишловчи шахсий чақирикли тизим TWOTONE протоколи деб аталувчи пейжинг алоқа тизимидир. Шу протоколда радиотўлқинлар фақат пейжер мижозининг манзилига узатади ва кейин пейжер шу товушни қабул қилиб, эгаси учун товуш чиқаради. Бу усулнинг камчиликлари кўп бўлганлиги сабабли мижоз аввал марказий станциясининг диспетчери билан боғланиб, асосий ахборот мазмунини билиши керак. Ҳозирги кунда янги FIVETONE ва 5/6 TONE протоколлари ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилиняпти.

Кўпгина ишлаб чиқарувчи фирмалар ўзларининг пейжинг ускуналари учун айрибошлаш протоколларини тавсия қилишяпти. Шулардан энг такомиллашганлари қуйидагилардир: HSC, GSC, MULTTONE, POCSAG.

Шахсий радиочақириқ тизимида энг асосий ускуна пейжинг терминалларидир. Бу қурилма мижознинг манзилини қабул қилади, киритувчи қурилмадан, масалан компьютерни клавиатурасидан хабарни олади ва аниқ ҳажмдаги шаклланган сигнални узатувчи ускунага ёки бошқариладиган коммуникацион каналга етказиб беради. Пейжинг терминалларининг сифатли ишлаши қуйидаги хусусиятларни ижро этишда намоён бўлади: тизимдаги мижозлар билан боғланиш сони, пейжингли узатиш протоколи билан ишлаш имконияти, бир ёки бир нечта узатувчи тизимларни бошқариш қобилияти ва ҳоказолар.

Шу кунларда телекоммуникация бозорига ҳар хил пейжинг терминаллари чиқариляпти, уларни асосийлари ҳақида маълумот жадвалда берилган.

Пейжинг терминалларининг турлари	Zetrun Model 16	MOTOROLA Peopl-Finder M 8
ХУСУСИЯТЛАРИ		
Мижозлар сони	1000	1000
Тайёрланиши	ички ва ташқи кўринишли	ташқи кўринишли
Узатиш тизимлари билан боғланиш сонлари	1	1
Тармоқни махсус доирасидан чиқарилган терминални қўллаш	бор	йўқ
TNPP протоколи асосида тармоққа уюштириш	йўқ	йўқ

Ҳозирги пайтда республикамизнинг Тошкент, Фарғона, Андижон, Қарши шаҳарларида «Ўздунробита» ўзбек-америка қўшма корхонаси шу алоқа турини мижозларга етказиб беряпти. Бу алоқа тури аҳолиси 30 мингдан ошган шаҳарларда катта самара беришини мутахассислар ҳисоблаб чиқишган. Шунинг учун пейжинг алоқасини мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ташкил қилиш шу кунининг асосий вазифаларидан биридир.

С. СИДДИҚОВ тайёрлади



Муаззам ҚУДРАТОВА 1968 йили Тошкент электротехника Алоқа институтини битиргач, муҳандис-технолог вазифасида ишлай бошлади. 1975 йилдан «Промсвязь» заводида меҳнат қилмоқда. Бир неча йилдан бери корхонанинг маҳсулот ўтказиш бўлимини бошқараётир.

Суратказш Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ

Телефон алоқаси технологиясида тез кунларда шундай улкан ўзгаришлар рўй берадики, натижада модем, факс ва уяли алоқа иккинчи даражага ўтиб қолиши мумкин. Яқин беш йилда пайдо бўлиши кутилаётган бир қатор янгиликлар Исроилдаги Безек телекоммуникацион корпорациясининг Тель-авив технологиялар намойиши марказида тақдим этилди.

Янгиликларнинг ҳатто ташқи кўринишиданоқ тушуниш мумкинки, телефон алоқаси жараёнида мониторлар ва клавиш панеллари янада муҳимроқ роль ўйнайдиган бўлади. Тонал рақамтергич тугмали панелларининг ишлаш қобилияти ошиб боради. Янги технологияларнинг кўпгина қисми, асосан, суръатли рақам ўтказгичлари ҳисобига мураккаб таркиблар ўртасидаги алоқани енгиллаштиришга қаратилган, айни чоғда уй бекасидан то кардиожарроҳгача барчанинг мушкулини осон қила оладиган ечимлар ҳам бор.

Integvated Service Digital Network (ISDN) янги телекоммуникация тармоғи телефон алоқаси имкониятларини кескин равишда кенгайтиради, дейишга барча асослар бор. Ҳозирнинг ўзидаёқ газ, сув ва электр ҳисоблагичларнинг кўрсаткичларини телефон орқали билиб олиш мумкин. Агар сиз ишга кетаётиб ҳимоя сигнализациясини уламаганингиз ёки духовкани ўчирмаганингизни баногоҳ эслаб қолсангиз, ташвишланманг. Яқин келажакда телефон орқали узатилган буйруқ ёрдамида уйингиздаги телефон рақамини теришингиз билан ноқ бу хилдаги барча муаммоларингизни оппа-осон ечишингиз мумкин.

Яқин орада бизнинг электроника ка билан тўлиб-тошган яшаш ва иш жойларимизга хос энг мушкул муаммо — телефон линияларининг етишмаслиги муаммоси ҳам ҳал қилинади. ISDN тармоғида қўлланиладиган янги технологиялар мижозларга ҳар бир телефон линиясига саккизтагача ҳар хил коммуникацион қурилмаларни улаш имконини беради. Учтагача ҳар хил ишни амалга оширишингиз, масалан, телефонда гаплашиш, факсимил алоқа ўрнатиш ва рақамни автоматик равишда аниқловчи қурилма ёрдамида билиб олгач, кўнглингиз хушламаган суҳбатдошга автоматик жавоб берувчини рўпара қилишингиз мумкин бўлади. Шунингдек, ISDN мижозни аниқлаб берадиган ва уни тегишли коммуникацион қурилмага улайдиган бўлади, шундай қилиб, банд линиялар муаммосини ҳам ҳал қилади. ISDN тавсия этаётган айни вақтда бир линияда бир нечта телефон алоқасини амалга ошириш имконияти ўсмирлар соатлаб телефонни банд қилиб турувчи оилаларнинг маиший муаммоларини бартараф этувчи муҳим воситадир. Айни вақтда бундай линия одатдаги икки мустақил телефон линиясига нисбатан арзон туради.

ISDN янги технологиясининг юклаштиришингиз, уста эса, электрон намойиш воситаси ёрдамида сизни ҳар хил намуналар ва нусхалар билан таништириши мумкин.

Трансконтинентал учишларда видеофон соат йўналиши бўйлаб учиши натижасидаги вақт йўқотишларига барҳам бериб, анжуманлар ва консультациялар ўтказишда муҳим восита бўлиб қолади. Видеоконсультациялар шифокорлик амалиётида ҳам муҳим ўрин тутадиган бўлади. Видеоалоқа имкониятларининг шарофати билан жарроҳлик хонасидан узатилган хабар бутун жаҳонга тараладн ва шифокор операция пайтида янги технологиялар хусусида ўз ҳамкасблари билан савол-жавоб қила олади. Видеоконсультациялар шифокорларга мураккаб ва кечиктириб бўлмайдиган операциялар пайтида маслаҳат олиш учун ҳатто бошқа минтақалардан ҳам йирик мутахассисларни жалб қилиш имконини беради.

ТЕЛЕФОННИНГ ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

БИЛАКУЗУКДАГИ ТЕЛЕФОН

Қўл соатидаги кўчма телефон-хаёлий гап эмас, балки яқин воқеликдир. Микротелефоннинг шундай намунасини ишлаб чиққан Германиянинг «Сименс» концернида ҳамда АҚШ ва Японияда телекоммуникация техникасининг ривожи айнан шу йўналишда олиб борилмоқда.

Симсиз микрофон кийимнинг қайтариб қўйиладиган ерига, динамик эса қулоқ орқасига ўрнатилади. Соат корпусига эса телефоннинг микромодули ва миниаккумулятор жойлаштирилади. Рақамларни териш эса «соат» корпусида жойлаштирилган тугмачалар орқали амалга оширилади. У ёғи оддий телефондагидек— кўнғироқ тугмачани босиш ва суҳбат.

Фавқулодда қаттиқ рақобат сабаб,, одатдаги кўчма телефонларни замонавийлаштириш шиддатли суръатлар билан бормоқда. Яқин вақтларгача бундай аппарат вазнининг чегараси 170 грамм деб ҳисобланарди. Бироқ Американинг «Моторола» компанияси оғирлиги бор-йўғи 90 грамм, ҳажми эса оддий сигарет қутисидан катта бўлмаган аппарат яратди.

Японияннг ЭН-ТИ-ТИ телекоммуникация компанияси эса кўчма телефонларнинг дунёдаги энг кичиги — қўл соати шаклидаги турларини яратишини эълон қилди.

ЭН-ТИ-ТИ мутахассисларининг яратувчанлик борасидаги ўзига хослиги шундаки, керакли абонент билан уланиш учун рақам тергични айлантириш ёки тугмачаларни босишга зарурат йўқ — керакли рақамларни овоз чиқариб айтишнинг ўзи кифоя. Ускунага ўрнатилган микрофон орқали овозни махсус қурилма қабул қилади ва рақамларга айлантириб териб беради. Агар керакли рақам аппарат хотирасига киритилган бўлса-шу рақам соҳибининг исмини айтиш кифоя-уланиш таъминланади.

Телефоннинг оғирлиги 70 грамм келади. Компания икки йилдан кейин бундай аппаратларни катта миқдорда сотувга чиқариш ва 1998 йили Ногонодаги қишки Олимпиада ўйинларида муваффақият билан фойдаланишни кўзда тутмоқда. Бу мўъжиза аппаратнинг нархи 50 минг иен (463 доллар) дир.

Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ тайёрлаган

ЭЛЕКТРОН ПОЧТАДАН ФОЙДАЛАНИШ БЎЙИЧА БАЪЗИ ТАВСИЯЛАР

Бугунги кунда ахборот оқими ҳар лаҳза Ер юзидаги турли минтақаларда яшаб турган одамларни ўзаро боғламоқда. Хорижий мамлакатларда электрон почта қарийб йигирма йилдан буён мавжуд бўлиб, шу вақт мобайнида у ахборот узатишнинг кундалик воситасига айланиб қолди. Бизда эса, дастлабки қадамларини қўя бошлади ва ундан фойдаланувчилар бу мулоқот воситасининг нечоғли қулай ҳамда тезкорлигидан эндигина хабар топмоқдалар.

Электрон почта орқали ахборот жўнатиш учун қандай қурилмага эга бўлиш ва уни қандай бошқариш керак? Мазкур мақолада «БВВ» газетаси экспертларининг электрон почтасидан фойдаланиш жараёнида тўпланган иш тажрибаларига асосланган қисқа тавсиялар баён қилинади.

Бунинг учун аввало компьютер керак бўлади. Уни танлашда компьютернинг ишлаш тезлиги ва қанчалик кўп ҳажмдаги ахборотни ўзида сақлаш имкониятига алоҳида эътибор билан қараш лозим. Иккинчиси—махсус коммуникация қурилмаси—модемни танлаш зарур. Модем компьютерга ва одатдаги телефон линиясига уланади. Ҳар бир модемни икки асосий кўрсаткич—маълумот узатиш тезлиги ва узатиш пайтида хатоларни тузатиш даражасига кўра сифатлаш мумкин. Бугунги кунда 1200 бит/сек.дан 33600 бит/сек.гача узатиш тезлигига ва V22bis.дан V34bis.гача (хатоларни тузата оладиган) маълумот узатиш протоколига эга модемлардан фойдаланиш мумкин.

Модемларни танлашнинг яна бир — ички, яъни компьютерга ўрнатиладиган ёхуд ташқи — алоҳида қурилма шаклидаги усули мавжуд. Булар ўртасида жиддий фарқ йўқ ва бу ўринда ҳаммаси ўзингизга — ўз иш жойингизда яна бир жиҳозни кўпайтиришни исташ-истамаслигингизга боғлиқ. Буюртма берилса, ижрочилар сизнинг эҳтиёжларингиз ва юқорида баён қилинган хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда керакли қурилмани танлаб тавсия қиладилар.

Бунда қурилмадан ташқари яна сизникига ўхшаш бошқа станциялар билан боғлаш учун махсус дастурий таъминот ҳам зарурдир. Қуйида дастурлар номлари ва улар таъминлайдиган сервис турлари келтирилмоқда.

Tele Mate — бу олисдаги компьютерга сим қоқиш, (ҳам матний, ҳам дастурий) файлларни қабул қилиш ва узатиш, ҳамкорингиз билан ёзишмалар дафтарчасини юритиш, автоматик тарзда сим қоқиш, махсус маълумотлар базасидан ахборотлар олиш учун автоматик станция-роботлар билан боғланиш демакдир. Дmail — муайян манзилга электрон почта орқали жўнатилган хатлар билан, агар жўнатувчида бундай манзил қайд этилган бўлса, ишлаш лаёқатига эгадир. Дастур ҳам келиб тушаётган ахборотларни ҳисобга олиш ва уларни саралаш имконини беради. Hotlax — келиб тушаётган ҳужжатларни қисман ёки тўла акс эттириш ва уларни саралаш имкониятига эга факс-маълумотни компьютерга қабул қилиш ва жўнатиш дастуридир. Ҳар хил хизмат турларига эга жуда кўп дастурлар мавжуд. Юқорида кўрсатилган дастурлар балки уларнинг энг яхши вариантлари эмасдир, бироқ улар ишнинг бошланиши учун ҳар жиҳатдан етарлидир.

Зарур қурилмани ўрнатиб ва дастурий таъминотни созлаб (бу иш учун одатда 10 минутдан 30 минутгача вақт кетади), сиз дарров дастлабки алоқани ўрнатишингиз мумкин. 36-56-85 рақамини теринг ва сизга (сизнинг модемли компьютерингизга) «БВВ» ахборот хизматининг автоматик станция-роботи жавоб беради, унинг ёрдамида сиз «БВВ» газетасининг янги мақолаларининг қисқача шарҳи билан таниша оласиз. Компьютерингиз экранида тегишли функцияларнинг махсус тақдимномаси акс этади — тақдимноманинг бандлари орасида мижозлар қайди, мақолаларнинг қисқача шарҳи, станция маъмурининг мижозларга тегишли маълумотлари мавжуд. Керакли бандларни танлаб, сиз станциялар билан ишлаш бўйича қўшимча тавсиялар олишингиз ёки керакли ахборотни бевосита назардан ўтказишингиз мумкин. Агар сизнинг алоқангиз кўнгилдагидек ўтса, шундан кейин электрон почта хизматини кўрсатувчига мурожаат этишингиз керак бўлади. У сизга махсус манзилни ажратади ва шундан кейинги тегишли маслаҳат хизматини кўрсатади. Қисқача айтганда, ана шундай.

Р. ОТАЕВ тайёрлади

КЎЧМА КОМПЬЮТЕРЛАР

NOTEBOOK — мўъжазгина бўлса-да, тамомила тўлақонли компьютердир. У шовқинсиз ишлайди, аккумулятори тугагунча энергияга муҳтожлик сезмайди, ҳам енгил. У ҳамиша сизга ҳамроҳ. Шунинг учун у, одамда худди шу тоифадаги стол устида турадиган компьютерга нисбатан,ўртача олганда, бир ярим баробар қимматроқдир. Факс-модем, кенгайтирилган клавиатура, дисковод, монитор каби ҳар хил қўшимчалар билан эса, икки, ҳатто уч баробар қиммат. Лекин сиз ҳар қандай жойда ва ҳар қандай шароитда ишлаш имкониятини қўлга киритасиз. Бугунги кунда ҳатто жанговар ҳаракат шароитида қўлланиладиган махсус мобил компьютерлар ҳам мавжуд. Кундалик ишда қўллаш учун IBM, Toshibo ёки Сомрад каби пешқадам фирмалардан notebookини харид қилишингиз мумкин. Бу фирмалардан ҳар бири мобил компьютерларнинг бир неча туркумини таклиф қилади. Улар оддий матн териш ва таҳрир қилишда қўлланиши ҳам, фирма доирасида мўъжаз сервер бўлиб хизмат қилиши ҳам мумкин. Хусусан, IBM Think Pad 755 CV да жуда муҳим бир хусусият бор—компьютер экранини ажратиб олиш ва овозли ҳамда мусиқали тақдимот роликларини намойиш қилиш учун юксак ечимли проекцияловчи суюқ кристалли панел сифатида фойдаланиш мумкин. THINK-PAD 755 CAV модели эса, сизга компактдискка ёзилган клиплар, видео ва аудио ахборотларни намойиш этишда фойдаланиш имконини беради. Тилга олинган ҳар икки модел тақдимани тўхтатмаган ҳолда намойиш этилаётган видеоматериални мўъжаз бошқарув пульти ёрдамида ўзгартирса бўладиган махсус инфрақизил портга эга. Агар сизга сафар чоғида кўп ишлашга тўғри келса, бундай тақдирда сиз учун NOTEBOOKнинг мустақил ишлаш вақти муҳим аҳамият касб этади. Ҳозирги компьютерлар батарея билан 3-3,5 соатдан кўп ишлаёлмайди. Лекин айрим моделларга иккита аккумулятор ўрнатилган бўлиб, бу сизга компьютерингизнинг мустақил фаолиятини тағин 3 соатга узайтириш имконини беради.



Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси корхонада чорак асрдан зиёд меҳнат қилиб келаётган Саидраҳим ҲАСАНОВ номини ҳурмат билан тилга олишади. Саидраҳим ака кўплаб шогирдлар тайёрлаган.

Суратказ Т. ЛУТФУЛЛАЕВ

ФАКС ВА МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШ УЧУН ЯНГИ АНДОЗАЛАР

Бугунги кунда ишлаб чиқарувчилар факс ва маълумотлар узатиш функцияларини бирлаштиришда ҳал қилувчи аҳамиятга эга икки факсимил андозани амалиётга тадбиқ эта бошладилар.

Бу ўринда гап EMA (Electronic Messaging Association) электрон ахборот узатиш бўйича ассоциацияга аъзо бўлган ICFA (International Computer Fax Association) компьютер факсимил алоқаси Халқаро ассоциацияси томонидан ишлаб чиқилган ҳужжатлар ва чизма файлларни узатишда иш кучи ва вақтнинг тежалишини таъминлайдиган Т. 434 жуфтлашган файлларни узатиш ва Т. 30 факсларни йўналтириш андозалари ҳусусида кетмоқда.

ICFAнинг кўпгина аъзолари, жумладан, Brooktrout Technology, Delrina, FISK Communications ва GammaLink фирмалари янги андозалар талабларига мувофиқ маҳсулотлар ишлаб чиқардилар.

Т. 434 андозасини амалиётга жорий этиш нафақат ишлаб чиқарувчиларга маҳсулотларининг ўзаро сигишувини кафолатлаш имкониятини беришга қолмай, балки (факс билан бирга) электрон почтага мукобил равишда олисдаги мижозларга жуфтланган файлларни узатишнинг янги усули ҳамдир.

Файлларни узатиш воситаси факс-модемли ва факс-сервер, шунингдек, бошқа айрим факс ускуналарига ўрнатилади. Масалан, FISK фирмаси факс ускунага ўхшаш ташқи қурилмада Т. 434 андозасини жорий қилади. Бу қурилма дискеталарда сақланувчи файлларни айни шу андозага амал қилувчи бошқа қурилмага узатади ва қабул қилади.

ICFA президенти Макс Шредер фикрича, афтидан жуфтланган файлларни узатиш ҳар хил турдаги маълумотларни қабул қилиб жўнатиш, жумладан, факс ускуналар, фотонусха кўчирувчи аппаратлар, сканерлар, электрон почта ва ПК шлюзалари орқали узатиладиган мультимедиа, принтер ва маълумот файллари учун коммуникацион андоза бўлиб қолади. Т. 434 андозаси жуфтланган файлларни узатишни овозли почта ва офисли АТС хизмати билан интеграциялаш имконини беради.

Факсларни йўналтиришнинг янги андозасида 3 гуруҳдаги факсимил протоколга «субадрес» деб аталувчи махсус майдон қўшилган. Бу ахборотни кўплаб мижозларга тарқатишни енгиллаштиради. Масалан, маҳаллий тармоқдаги барча мижозлар факс рақамига қўшимча рақам белгилаши ва келиб тушган ахборотни тегишли мижозга тўппа-тўғри факс-сервердан узатиши мумкин.

Бироқ факс жўнатувчи факс рақамига қўшиш учун мижознинг субадресини билиши керак. Субадреснинг бошланиши ва охирини белгилаш учун фунт-стерлиннинг рамзи қўлланилиб, у умумий фойдаланишдаги АТС қўшимча рақамларнинг бахридан ўтиши керак бўлган жойни кўрсатади.

Айрим фирмалар, жумладан, Brooktrout факс-серверга субадресли телефон рақамини билиш ва унга тегишли тармоқ адресини қўйиш имконини берувчи дастурий таъминотни ишлаб чиқдилар. Шундай қилиб, қабул қилинган ҳужжатлар бевосита факс ускуна, ПК ёки электрон почта адресига жўнатилиши мумкин. Castelle фирмасининг FaxPress сервери дастурий таъминоти ё электрон почта бўйича, ё телефон линияси бўйича файлни узатишнинг мақбул йўналишини автоматик равишда аниқлайди.

Жуфтланган маълумотларни, факсларни йўналтириш билан қўшиб узатиш фойдаланувчига ҳужжатларни рақам шаклида сақлаш ва уларни қўшимча ишловларсиз факс бўйича жўнатиш имконини беради.

• Алоқа матбуот кўзгусида

ЮЗ ЙИЛДАН СЎНГ ТОПИЛГАН МАКТУБ

Санкт-Петербург шаҳридаги Арктика ва Антрактика музейига ҳайратомуз бир топилдиқ тушди. У Австровенгр қутб экспедицияси раҳбарларидан бири бўлмиш Карл Вайпрехтнинг хати эди.

Бу тадқиқотчи ва сайёҳ 1872 йили «Тегетхоф» кемасида Шимолий муз океанида тадқиқот олиб борган ва Франц Иосиф Ери номи билан машҳур бўлган ороллар гуруҳини кашф этган эди.

Мазкур хатни собиқ Иттифоқ Денгиз флоти вазирлигига қарашли гидрография корхонаси ходимлари Лемон оролида тош парчалари ва шағал уюми остидан топишди. Чинни парчалари орасида ётган хатда Вайпрехт шундай сўзларни ёзиб қолдирган эди: «... 1873 йил август охирида Франц Иосиф Ерини кашф этдик. Ноябрь ойида кема саёзликка тиқилиб қолди... 1874 йил 20 майда учта қайиққа ўтириб, Янги Ерга етиб олишга қарор қилдик».

Яна шу сўзлар қўшимча қилинган эди. «Бемалол бўлса, ушбу хатни Австрия денгиз вазирлигига ёки яқинроқдаги Австрия консулхонасига юборилсин».

Вайпрехт бу хатни кимдир топиб олишига ишонган эди. Орадан юз йил ўтгач хат топилди ва музейга топширилди.

* * *

1882 йилда «Шахмат ўйини ҳаваскорларининг Тошкент жамияти» тузилган эди. Бу жамият 1885 йили «Хотира дафтари»ни босмага тайёрлади. 1892 йилда эса жамият ташаббуси билан Тошкент ва Алмати шахматчилари ўртасида телеграф орқали мусобақа ташкил қилинди ва бу ўйин дуранг натижа билан тугади.

* * *

1793 йил 5 октябрида Миллий вакиллар мажлисининг қарори билан бутун Францияда янги, инқилобий календарь жорий этилган эди. Янги календарга ўтилгандан кейин Францияда биринчи январь шубҳа остига олиниб, уни янги йил бошланиши сифатида байрам қилиш қатъиян ман этилганди. Иш куни почта-хоналарда барча хатлар очиб ўқилар, янги йил табриги битилган хатлар дарҳол йўқ қилинарди.

* * *

Кубалик почтачи Феликс Карвайль учинчи Олимпиада ўйинларида иштирок этиш мақсадида Гавананинг марказий майдонида турли спорт ўйинларини кўрсатиб, мўмай пул жамғаради.

У олимпиада ўтказиладиган Сент-Луис шаҳрига етиб келиб, мусобақаларда қатнашади. Югуришда фахрли учинчи ўринни эгаллашга муяссар бўлади.

С. ОДИЛОВА тайёрлади

«Алоқачи ҳамроҳи» — «Спутник связиста» саҳифаларига Т. ЛУТФУЛЛАЕВ масъулдир.



СПУТНИК СВЯЗИСТА

АО «АЛОКАИНВЕСТ» НАБИРАЕТ ТЕМП

Как известно, экономика Узбекистана в целом перешла к новому этапу глубоких реформ, в ходе которого началось развитие и становление рынка ценных бумаг и создания новых отраслей, таких как автомобилестроение и другие.

В этом же русле идет становление и развитие строительного комплекса АО «Алокаинвест».

После снижения производства в 1994 году начался заметный и устойчивый процесс роста подрядных работ.

Технико-экономические показатели за 9 месяцев текущего года дают основание утверждать, что процесс роста строительного производства, начавшийся в 1995 году, продолжается с еще большей интенсивностью.

Так, за указанный период т.г. объемы выполненных работ собственными силами составили 14990 тыс. сумов, что в 2 раза больше к соответствующему периоду 1995 года. Производительность труда увеличилась также почти вдвое, рентабельность в целом по обществу достигла 28 процентов, в том числе по подрядным подразделениям — 27,8.

Вместе с тем, мы не можем не видеть и негативных факторов, существенно влияющих на экономику строительного комплекса АО «Алокаинвест». Одним из них является совершенствование экономических взаимоотношений структурных подразделений в рамках объединения, то есть предоставление им большей экономической самостоятельности и справедливого вознаграждения за труд. Являясь первопроходцем приватизации в системе Минсвязи Республики Узбекистан, общество допустило просчеты в принципе определения дивидендов по акциям. Получилось так, что сумма дивидендов на одну акцию во всех структурных подразделениях была одинаковая и не зависила от конкретных экономических результатов, полученных структурными подразделениями.

Уравниловка, вызвала законное недовольство хорошо работающих структурных подразделений.

Так, Самаркандская ПМК получила прибыль в размере 13,2 млн. сумов, рентабельность 34,5 процента, Джизакская ПМК — 10,9 млн. сумов, рентабельность 35,9 процента, в то же время Каракалпакская ПМК получила прибыль всего 57,0 тыс. сумов, рентабельность — 3,8 процента.

Правление Общества работает над разрешением этой проблемы. В соответствии с Законом РУз «Об акционерных обществах и защите прав акционеров» на очередной конференции будут внесены соответствующие изменения в Устав Общества.

Остаются серьезной проблемой взаиморасчеты с заказчиками и поставщиками оборудования, материалов и изделий как внутри страны, так и с предприятиями стран СНГ, особенно с Россией, откуда традиционно шли поставки для нужд строительства объектов связи.

Несмотря на принимаемые правительством меры, заказчики испытывают недостаток финансовых ресурсов для своевременного расчета за выполненные подрядными организациями работы. Это относится в первую очередь к государственным структурам, являющимися основными заказчиками.

Недостаток конвертируемой валюты не позволяет своевременно производить расчеты с субподрядными организациями, привлеченными из России, а также закупать необходимое оборудование и материалы за рубежом.

На взаимоотношения подрядчика и заказчика накладывает негативный отпечаток несовершенство законодательной базы по капитальному строительству. Издающиеся по этому вопросу директивные документы носят временный характер и разночтение. Возникают взаимные ненужные споры и неурядицы.

В целях снижения стоимости и улучшения качества строительства в республике в условиях рыночных отношений протоколом совещания руководителей министерств и ведомств от 28.06.96 г. № 16-19-63. предлагается с 1997 года повсеместно перейти к строительству методом «под ключ».

Однако, для реализации названного протокольного решения строительно-монтажные организации должны иметь значительные оборотные средства. Тогда как известно, что даже строительство традиционным подрядным способом требует наличия оборотных средств в размере 10-15 процентов годового объема работ.

Было бы целесообразно рассмотреть этот вопрос АО «Алокаинвест» совместно с концернами и организациями Минсвязи республики, участвующим в инвестиционном процессе и конкретно определиться по данной проблеме.

На повестку дня жизнь поставила вопрос конкуренции АО с инофирмами Турции, Германии, Кореи, США и других стран в сфере строительства объектов связи.

В настоящее время предприятиями концерна «Узбектелеком» заключаются и реализуются контракты с инофирмами на реконструкцию и расширение телекоммуникационной сети.

На базе существующих линейных сооружений или вновь строящихся силами структурных подразделений общества инофирмы осуществляют только монтаж нового оборудования связи. Таким образом, отечественным строительно-монтажным организациям предоставляются объемы работ с большими трудозатратами и меньшей рентабельностью.

Если инофирмы и соглашаются на выполнение работ по линейным сооружениям, то они ставят вопрос о завозе а/цементных труб и линейной аппаратуры из своих стран.

К чему это ведет, ясно. В своих странах будут создаваться дополнительные рабочие места, а у нас, в стране с избытком рабочей силы — сокращаться. Это, так сказать, социальная сторона дела.

Нельзя согласиться с такой практикой. АО «Алокаинвест» в свое время направляло для подготовки инженеров-настройщиков в Германию. Там они прошли основательную подготовку на иностранном оборудовании и получили соответствующие сертификаты. Однако их знания и опыт оказались не востребованными. Предпочтение отдается инофирмам. А жаль.

АО «Алокаинвест» несмотря на проблемы, вызванные условиями вхождения в рынок, с оптимизмом смотрит в свое будущее.

Мы надеемся, что поставленные в данной заметке вопросы найдут свое отражение при утверждении планов-прогнозов на 1997 год, определенных Национальной программой до 2010 года и будут решаться в ходе их реализации.

М. СМОЛЕНЦЕВ,
помощник председателя правления акционерного общества «Алокаинвест»

ОТРАСЛЬЮ ДОЛЖНЫ УПРАВЛЯТЬ ПРОФЕССИОНАЛЫ

Слова «...воспитание кадров, служба человеческих ресурсов, резерв кадров, номенклатура должностей», в последнее время стали часто употребляться, но парадокс в том, что кадры, являясь, и в особенности в условиях рынка, одной из главных (ведущих) проблем для нормального функционирования любой отрасли, зачастую остаются на второстепенных планах.

Сейчас входит в моду, ссылаться на мировой опыт, употребляя выражения «...во всем цивилизованном мире». Тем не менее, вопросы подготовки и переподготовки высококвалифицированных кадров, во всем цивилизованном мире занимают одно из главных мест. Так, в большинстве развитых стран (из первой десятки), расходы на повышение квалификации, переподготовку специалистов составляют до 7% от прибыли компаний, фирм. Это очень внушительная цифра в абсолютном выражении, учитывая большие прибыли корпораций, и принимая во внимание, что в большинстве администраций связи стран СНГ данный показатель составляет порядка десятых долей процента.

Учитывая, что зарубежные компании весьма эффективно используют свои средства, можно представить ожидаемую отдачу от затраченных на подготовку персонала средств.

В самом деле, высококвалифицированный специалист, менеджер, руководитель являются основой качественной работы предприятия, отрасли и наоборот. Ведь действительно большинство совещаний, планерок и других срочных «созывов» в основном посвящаются исправлению ошибок в работе некоторых руководителей, принятию мер по улучшению деятельности конкретного предприятия в будущем, оказанию различной помощи и многое другое.

Словом, за рубежом подготовке кадров уделяется большое внимание. Так в Германии действует весьма эффективная система подготовки резерва кадров для замещения руководящих должностей.

Подготовка начинается примерно за 2—3 года до предполагаемой даты освобождения вакансии и к моменту ухода руководителя с должности, подготовленный претендент занимает его место на конкурсной основе. В Англии действует система оценки знаний работников корпораций ежегодно путем анкетирования (интервьюирования) каждого работника специально по разработанной текстовой системе независимыми экспертами. Результаты тестирования используются при продвижении по службе, повышении зарплаты и др.

